

## Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1301-ҳадис

1301/3141 - عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: بَيْنَا أَنَا وَاقِفٌ فِي الصَّفَّ يَوْمَ بَدْرٍ، فَنَظَرْتُ عَنْ يَمِينِي وَشِمَاءِي، فَإِذَا أَنَا بِعُلَامَيْنِ مِنَ الْأَنْصَارِ، حَدِيثَةُ أَسْنَاهُمَا، تَمَنَّيْتُ أَنْ أَكُونَ بَيْنَ أَصْلَحِ مِنْهُمَا، فَعَمَّزَنِي أَحَدُهُمَا فَقَالَ: يَا عَمِّ هَلْ تَعْرِفُ أَبَا جَهْلٍ؟ قُلْتُ: نَعَمْ، مَا حَاجَتُكَ إِلَيْهِ يَا ابْنَ أَخِي؟ قَالَ: أُحِبْرْتُ أَنَّهُ يَسْبُبُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَالَّذِي تُفْسِي بِيَدِهِ، لَئِنْ رَأَيْتُهُ لَا يُفَارِقُ سَوَادِي سَوَادَهُ حَتَّى يَمُوتَ الْأَعْجَلُ مِنَّا، فَتَعَجَّبْتُ لِذَلِكَ، فَعَمَّزَنِي الْأَخْرُ، فَقَالَ لِي مِثْلَهَا، قَلْمَ أَنْشَبَ أَنْ نَظَرْتُ إِلَيْ أَبِي جَهْلٍ يَجُولُ فِي النَّاسِ، قُلْتُ: أَلَا إِنَّ هَذَا صَاحِبُكُمَا الَّذِي سَأَلْتُمَايِ، فَابْتَدَرَاهُ بِسَيِّقَيْهِمَا، فَضَرَبَاهُ حَتَّى قَتَلَاهُ، ثُمَّ انْصَرَفَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَخْبَرَاهُ، فَقَالَ: أَيُّكُمَا قَتَلَهُ؟ قَالَ كُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا: أَنَا قَتَلْتُهُ، فَقَالَ: هَلْ مَسَحْتُمَا سَيِّقَيْكُمَا؟ قَالَا: لَا، فَنَظَرَ فِي السَّيِّقَيْنِ، فَقَالَ: كَلَّا كُمَا قَتَلَهُ، سَلَبْتُهُ لِمُعاَذَ بْنِ عَمْرُو بْنِ الْجَمْوحِ، كَانَا مُعَاذًا ابْنَ عَفْرَاءَ وَمُعاَذًا بْنَ عَمْرُو بْنِ الْجَمْوحِ.

1301.3141. Солиҳ ибн Иброҳим ибн Абдурраҳмон ибн Авф отасидан, у бобосидан ривоят қилади:

«Бадр куни сафда турар эканман, ўнгу чапимга қарадим. Қарасам, икки анзорий ўспириннинг ўртасида эканман. Улардан кўра бақувватроқ одамлар орасида бўлсам эди, деб орзу қилдим. Улардан бири мени туртиб: «Ҳой амаки, Абу Жаҳлни танийсизми?» деди. «Ҳа, унда нима ишинг бор, эй биродаримнинг ўғли?» дедим. «Менга у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни сўқади, деган хабар келди. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар уни кўриб қолсам, (ажали) эртароғимиз ўлмагунча, изидан қолмайман!» деди. Мен бунга қойил қолдим. Бошқаси ҳам мени туртиб, шунга ўхшаш гап айтди. Одамлар орасида юрган Абу Жаҳлни кўришим биланоқ: «Ҳой! Ана мендан сўраган одамларинг», дедим. Улар қиличлари билан у томон шошишди, зарба бериб, охири уни ўлдиришди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига қайтиб, у зотга

хабар беришди. «**Уни қайси бирингиз ўлдирдингиз?**» дедилар. Иккови ҳам: «Уни мен ўлдирдим», деди. «**Қиличларингизни артмадингизми?**» дедилар. Улар: «Йўқ», дейиши. Шунда иккала қиличга қараб туриб: «**Уни икковингиз ўлдирибсиз. Унинг салаби Муъоз ибн Амр ибн Жамухга**», дедилар. Улар Муъоз ибн Афро билан Муъоз ибн Амр ибн Жамух эди».

**Изоҳ:** Абу Жаҳл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаларга мислсиз азоб-уқубатлар етказган мушриклардан эди. Абу Жаҳлнинг тўлиқ исми Абул Ҳакам Амр ибн Ҳишом ибн Муғийра бўлиб, Пайғамбар алайҳиссаломни кўп мазах қилас, ҳатто ўлдиришни режалаб юрарди. Бир куни одамларга қаратса «Намоз пайтида саждага бош қўйганида Муҳаммаднинг бошини янчиб ташлайман» деб катта тошни кўтариб, қабиҳ мақсадини амалга оширмоқчи бўлганида Аллоҳ таолонинг мўъжизаси билан қўллари қалтираб, тошни ташлаб юборади. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Жаҳл шерикларига қаратса «Ким сўйилган туюнинг қоғоноғини олиб келиб, сажда қилган пайтида Муҳаммаднинг устига ташлайди?» дейди. Қавмнинг бадбахти туриб, ўша ишни қилганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уч марта «**Аллоҳим, Курайшни Ўзингга солдим**» деб дуоибад қилганлар. Кейин номма-ном «Аллоҳим, Абу Жаҳлни Ўзингга солдим» дея яна олти кишининг исмини айтганлар. Абу Жаҳл ва унинг шериклари Бадр жангидаги қилмишларига яраша жазони олдилар. Абдуллоҳ ибн Масъуд шундай дейди: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам санаган кишиларнинг Бадр кудуғида ўлиб ётганларини кўрдим».

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

